

# КИШЛОК ХАЖМАТИ

1988 йил 28 июль

ПАЙШАНБА

№ 171 (4.367)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин.

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида

27 июль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлиси бўлди. Мажлисда қайта кўриш шартларида республика хотин-қизларининг иқтисодий ва социал активлигини ошириш масаласи кўриб чиқилди. Уларнинг меҳнат қилишлари, турмуши ва дам олишлари учун қўлай шартлар яратиш, умумтаълим ва маданий савиясини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан муайян ишлар амалга ошириладиганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга бажарилаётган ишлар даражаси хозирги талабларга мос келмайди. Ишлаётган хотин-қизларнинг кўпчилиги кам ҳақ туланадиган қўл меҳнати билан банд бўлиб қолмоқда. Уларнинг кўпчилиги сўхат-саломатликка салбий таъсир келувчи шартда ишламоқдалар, меҳнат қонунини қўпол бузиш ҳолатлари мавжуд. Инфраструктура етарли ривожланмаган; мактаб-гача тарбия болалар муассасалари, уй-жой-коммунал ва маиший хизмат билан таъминланмаганлиги, меҳнатнинг

қўл болали оналар учун қўлай шартлари яхши ривожланмаганлиги аёлларни иқтисодий ишлаб чиқаришга жалб қилишга салбий таъсир ўтказмоқда.

Маҳаллий партия ва совет органлари хотин-қизлар билан иш олиб боришда телевидение, матбуот, маданий-маърифий муассасалар, спорт ташкилотлари имкониятларидан сўхат фойдаланмоқдалар. Бу масалаларда комсомол комитетлари пассив позицияларда турибдилар.

Мазкур ишдаги камчиликлар хотин-қизларда норозилик туғдиришда, носоғлом нафийат ва хатти-ҳаракатлар намойиш бўлишига йўл очмоқда. Ҳақиқатда уларнинг ҳуқуқлари ҳуқуқсизликнинг хуқуқ тус олган кўринишларидан биридир. Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари роли бўшашиб кетган.

Хотин-қизларни республиканинг иқтисодий, социал ва иқтисодий турмушига фаол жалб этишга доир доимий иш қайта қўришни энг

муҳим вазифаларидан бири деб ҳисобланади. Мазкур ишнинг кучайтириш юзасидан аниқ-равшан чора-тадбирлар белгиланди.

Марказий Комитет бюроси мажлисида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва пулли хизматини кўрсатишга юзасидан структура ва инвестиция сибсатида янгича ёндашувлари ишлаб чиқариш эмас, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва аҳолини бундай маҳсулотлар билан таъминлаш ишларининг аҳоли жиддийлигича қолмоқда.

Давлат агросаноат комитети раҳбарлари фаолиятида бошқарилган маъмурий меҳнатлари секция билан тугатилмоқда. Товар ресурсларини кўрсатиш учун баъзилик тармоғи резервларида фойдаланилмапти. Аҳолига пулли хизмат кўрсатишни ривожлантиришни кўзда тутилган даражада ядаллаштиришга муваффақ бўлмаётган. Ўзбекистон ССР Савдо министрига «Ўзбекбирлашу» аҳолини халқ истеъмоли моллари

билан таъминлашдаги катта камчиликларни бартараф эта олмадилар.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Й. Х. Жўрабеков, раиснинг бошқа ўринбосарлари эътибори халқнинг энг муҳим эҳтиёжларини мўлҳима қилар тулароқ қондирши ишларини тугатган яхшилаш зарурлигига қаратилди. Республика енгил, маҳаллий ва мебель саноати министри О. А. Таймазов, У. К. Исмоилов, Ғ. Х. Қурбонов ўртоқлар қаттиқ оғоҳландирилдилар. Ўзбекистон ССР Госпланига, Агросаноат давлат комитетига, Балиқ хўжалиги давлат комитетига, қурилиш идораларининг раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

Область, шаҳар, район партия комитетлари олдига конкрет вазифалар қўйилди.

Марказий Комитет бюроси аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига эътиборни кучайтириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарор баёни матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси мажлисида ҳам халқ бонди масалалар баъзи кўриб чиқилди ва бу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

М. С. Горбачев Менгисту Хайле Мариам билан учрашди

26 июль куни М. С. Горбачев Кремлда Эфиопия ишчи партияси Марказий Комитетининг бош секретари, Эфиопия Халқ Демократик Республикасининг президенти Менгисту Хайле Мариам билан учрашди. М. С. Горбачев дўст Эфиопиянинг раҳбарини самимий табриқлаб, Совет Иттифоқида бу мамлакат билан муносабатларга натти аҳамият берилаётганини, Эфиопия раҳбарлари билан, ўртоқ Менгисту билан мунтазам алоқалар қўриб боришни айтиди. Эфиопия халқи таллаб олган йўлга яқин, биз унинг мамлакат тараққиёти ҳозирги, бурлиш босқичида вужудга келган қийинчиликларни бартараф этиш соҳасидаги гайрат-ҳаракатлари билан бирдамиз.

Иккала мамлакатнинг ички тараққиёти, Африкадаги ва умуман дунёдаги вазият билан боғлиқ бўлган кўпгина масалалар ҳусусида хайрихоҳлик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўртоқларча фикрлашув бўлди.

М. С. Горбачев Бутуниттifoқ XIX партия конференциясининг қарорларини амалга оширишга оид режалар ҳақида, конференциянинг сиёсий йўл-йўриқларини аниқ-равшан, амалий чора-тадбирлар тарзида рўйбўта қилиш лозим бўлган КПСС Марказий Комитетининг бўлғуси пленумига қўриладиган таъйирилик ҳақида гапириб берди.

Менгисту Хайле Мариам қайта қўришни катта халқаро аҳамиятини, СССРда рўй бераётган жараёнларнинг халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш билан, халқаро муносабатларда янги сиёсий тафаккур принципларини қарор топтириш билан чўчур боғлиқлигини таъкидлади.

Эфиопия раҳбари ўз мамлакатидagi аҳвол ҳақида, Эфиопия ишчи партиясининг, ҳукуматнинг жуда оғир қуроқчилик оқибатларини тугатиш, халқ референдумида қабул этилган мамлакат конституциясидан, миллат мажлиси қарорларидан келадиган социал-иқтисодий тараққиёт ва давлат қурилиши вазифаларини амалга ошириш борасидаги гайрат-ҳаракатлари тўғрисида гапириб берди.

Менгисту Хайле Мариам шу йўлда пайдо бўлган қийинчиликлар ҳақида, Эритрэ вилоятидаги кучлар яна бош кўтариши натижасида

Эфиопия шамолида вужудга келган кескин аҳвол тўғрисида ахборот берди. Мазкур кучлар айирмачилиги ва миллатчилик шўрларни остида марказий ҳукуматга қарши курашаётганлигини айтиди. У аҳоли халқининг гала-баларига зарба уришга, Эфиопиядаги илғор тузумни нақшидаги уришаётган халқаро реакция мазкур кучларга тобора кўпроқ мадда бераётганини уқтириб ўтди.

М. С. Горбачев Совет Иттифоқининг Эфиопия билан ва территориял бутунлигини қўллаб-қувватлаш соҳасида қатъий, принципал позицияда турганини таъкидлади. Эритрэ муаммосини кўп миллатли Эфиопия давлати доирасида одилола ҳал этиш йўллари излашда Эфиопия раҳбариятига муваффақият тилади. У ҳақда ҳаммаияти Эфиопиянинг территориял бутунлиги сақланиши қўлини тарафдори эканлигининг муҳим аҳамиятини қайд этди.

Африка Мугузи муаммоларини муҳофиза қилиш чоғида М. С. Горбачев билан Менгисту Хайле Мариам бу регионда тинчлик ва яхши қўшничилик вазияти ўрнатиш мақсадида сарфланаётган сиёсий куч-гайратларни активлаштириш зарурлиги ҳақида гапирдилар. М. С. Горбачев Эфиопия билан Сомали ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш тўғрисида эришилган аҳдлашувни табриқлади, бу аҳдлашувларни мустаҳкамлаш ва иккала мамлакат халқларининг бахт-саводати йўлида янада ривожлантириш кераклигини айтиди.

Совет Иттифоқида, деб таъкидлади у, Эфиопия билан Судан ўртасида ишонч ва ҳаммуҳаббатли муносабатларини йўлга қўйиш учун шу қўшни мамлакатларнинг мулоқотини илгари силжитишга ҳар томонлама кўмаклашишга таъйиридилар. Суверенитет ва территориял бутунлигини ўзаро ҳурмат қилиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принципларини регион мамлакатлари ўртасидаги муносабатларга асос қилиб олиб, Африка Мугузидagi вазиятни барқарорлаштиришни таъминлаш мўлҳимлиги бизнинг ишончимиз комил. Шу принциплар асосида муаммоларни сиёсий воситалар билан ҳал этиш йўллари излаш дунёнинг турли регионларида тобора кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон ССР Давлат Бошқарув Органлари Системасидаги ўзгаришлар тўғрисида

Соғлиқни сақлаш министрлиги, Ташқи ишлар министрлиги, Маданият министрлиги, Енгил саноат министрлиги, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, Халқ таълим министрлиги, Алоқа министрлиги, Савдо министрлиги, Молия министрлиги, Дон маҳсулотлари министрлиги, Юстиция министрлиги, 26-модда, Ўзбекистон ССР Республика министрликлари Қўйндагилар Ўзбекистон ССР республика министрликларидир:

Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлиги, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги, Маҳаллий саноат министрлиги, 27-модда, Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика давлат комитетлари:

Қўйндагилар Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика давлат комитетларидир:

Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети, Ўзбекистон ССР Давлат план комитети, Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети, Ўзбекистон ССР Моддий-техника таъминоти давлат комитети, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети, Ўзбекистон ССР Меҳнат

ва социал таъминот давлат комитети, Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети, Ўзбекистон ССР Давлат нарҳлар комитети, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоташқириш давлат комитети, Ўзбекистон ССР Нашрият, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети, Ўзбекистон ССР Табиати муҳофаза қилиш давлат комитети, Ўзбекистон ССР Саноатда ишларни бехатар олиб бориш устидан назорат қилиш ва қончилик назорати давлат комитети, Ўзбекистон ССР Физкультура ва спорт давлат комитети, 28-модда, Ўзбекистон ССР республика давлат комитетлари:

Қўйндагилар Ўзбекистон ССР республика давлат комитетларидир:

Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети, 29-модда, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашли бошқа органлар:

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги хўжалик ва социал-маданий қурилиш ишлари бош бешқармалари, идоралари ҳамда Ўзбекистон ССР қонунарига мувофиқ бошқа органлар Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашлидир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси П. ҲАБИБУЛЛАЕВ. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. БЕҚКУЛБЕКОВА. Тошкент шаҳри, 1988 йил 27 июль.

### Ҳосил учун курашнинг қизгин нуқталари



ФОТОРЕПОРТАЖ

## ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ДОН

минг сўмлик маҳсулот етиштирадиган бўлса, унинг учдан икки қисмдан зиёдри фойдага қолади.

Мазкур бўлим далаларида ҳам пахта ва маккажўхорида юқори ҳосил олиш учун қизгин меҳнат ҳукмрон. Беш йилликнинг учинчи йилида она-Ватага 777 тонна оқ олтин, 220 тонна қаҳрабон дон ва бошқа маҳсулотлар ҳади этилади. Шу мақсадда 273 гектар майдондаги гўзалар ва 55 гектардаги дала малликаси меҳр билан парварши қилинмоқда. Меҳнат аҳлининг ҳозирги кеча-қундузда амалга ошираётган ишлари, интилишлари пайкаларда мўл ҳосил тўпланаётганидан, бинобарин, юксак мажбуриятлар адо этилишидан далолат беради.

### Э. ИБРОҲИМОВ.

Суратларда: 1. Коммунист бригадари Зиёмурод Бойбулов, 2. Илғор бригада аъзолари Марзия Бўриева (чапдан), Робия Қаршова, Дилшода Зокирова, Насиба Бозорова ва Салима Қаршоевалар ўзаро сўхбатлашмоқдалар. Улар гўза ва маккажўхори парваршида фаол. 3. Маккажўхорилик бригадаси бошлиғи Нуриддин Кўчкердиев, 4. Паҳлавон экиннинг ривожини баалади.

Н. РАҲИМОВ фотолари.



Ғафур Гулом номли совхоз Қумқўрғон районидagi кейжа хўжалиқлардан бири. Унинг ташкил этилганга етти йилдан ошди. Шу қисқа давр ичида у деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича илғорлар сафидан ўрин олди.

Совхоз меҳнатқашлари жорий йилда юксак мажбуриятлар қабул қилинган: давлатга 4.317 тонна пахта, қўллаб бошқа турдаги маҳсулотлар етказиб берилди. Айни кезларда дала ва ферма-ларда астойдил кураш олиб борилаётган. Пахтакорлар 1.666 гектар майдондаги гўзаларни агротехника қондалари асосида серхосил қилиб ўстирмоқдалар. Ҳазро социалистик мусобақа кун сайин қизитилаяпти.

Меҳнат беллашувида 1-бўлимнинг Э. Бойбулов бошлиқ бригадаси аъзолари пешқадим. Зиёмурод — район партия комитетининг аъзоси, учинчи даражада Меҳнат шўхрати ордени соҳиби, У саркорлик қилаётган коллектив 22 гектар ерининг ҳар гектаридан 35 центнердан, яъни оқ олтин белгиланганидан 5 центнер кўп оқ олтин етиштиришни қўзлаган. Далаларда ҳосил чўғи баланд: ҳар тупда 6—8 та бўлиқ қўсақ, 15—16 та гула ва она бор.

— Иккала пудрати катта ёрдам берапти, — дейди бригада бошлиғи, — Ишга лоқайдлик, топшириқни қўл учлада бажариш каби иллатлар барҳам топди. Пудратчилар далада ўз томоқларидagi сингари меҳнат қилишапти. Т—14 нав гўза ўстираймиз. Қатор ораларига шилол беришда ва озиқлантиришда механизатор Ҳамза Ҳазраткулов гайрат кўрсатмоқда.

Бригада аъзолари 27 гектарда маккажўхори ҳам ўстирмоқдалар. Гектаридан камида 40 центнердан қаҳрабон дон интиштириб олинади. Пайналарда шунга яраша ҳосил тўпланди.

Вали Бекмуродов бошқарувчилик қилаётган бўлимнинг Нуриддин Кўчкердиев бошлиқ онлави бригадаси ҳам паҳлавон экиндан баракали ҳосил етиштирмоқда. Коллектив гектаридан 45 центнердан дон, 250 центнердан кўпоя саранжомлаш ниятида.

— Ҳар гектар ерда 66 минг туп кўчат бор, — дейди совхоз агрономи Мамаражаб Менглиев. — Ҳар туп 5—6 та сўта бойлаган. Бригада мўлкадгаги ҳосилни бемалол олади. Ҳозир экинга шарбат суви оқизилмоқда. Миришкор сувчилар Эшмамат ва Умиркул Кўчкердиев, Суён Нормуродов, Абдухамид Утанов бу ишни қўйилатиб бажаришапти. Суви ўрим бошлангунча тўхтатмаймиз. Яна бир гап: баъзилар маккажўхорини камдармад экин деб ўйлашади. Ҳолбуки, бундай эмас. Етарлича эътибор берилса мўмай даромад қилиш мўмкин. Н. Кўчкердиев бригадаси 50

### ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Бельгия Компартиясининг партия ходимларидан бир гуруҳи Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

27 июль кунин делегация аъзолари Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари ташкилотининг бориб кўридилар. Меҳмонлар Тошкент чинни заводига бўлидилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

Тошкент область партия комитетиде сўхбат бўлиб ўтди.

Бельгия Компартиясининг вакиллари Самарқандга бордилар, КПСС Бутуниттifoқ XIX конференциясининг делегатлари билан учрашдилар.

(ҒАТАГ).

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ СИСТЕМАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини бошқаришни таъминлаш мақсадида қарор қилди:

- Қўйндагилар ташкил этилсин:
- Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги билан Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрлиги тугатилиб, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги республика министрлиги, Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ва Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети тугатилиб, Ўзбекистон ССР Халқ таълими иттифоқ-республика министрлиги, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги тугатилиб, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги иттифоқ-республика давлат комитети, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, Ўзбекистон ССР Винокорлик материаллари саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Қурилиш ишлари давлат комитети, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиш давлат комитети ва Ўзбекистон ССР Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари бош боншқармаси тугатилиб, Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика қурилиш давлат комитети, Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги ва Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети тугатилиб, Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика Меҳнат ва социал таъминот давлат комитети.
- Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети, 2. Ўзбекистон ССР нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети.

25-модда, Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика министрликлар:

Қўйндагилар Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика министрликларидир:

Ички ишлар министрлиги,

ва социал таъминот давлат комитети, Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети, Ўзбекистон ССР Давлат нарҳлар комитети, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоташқириш давлат комитети, Ўзбекистон ССР Нашрият, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети, Ўзбекистон ССР Табиати муҳофаза қилиш давлат комитети, Ўзбекистон ССР Саноатда ишларни бехатар олиб бориш устидан назорат қилиш ва қончилик назорати давлат комитети, Ўзбекистон ССР Физкультура ва спорт давлат комитети, 28-модда, Ўзбекистон ССР республика давлат комитетлари:

Қўйндагилар Ўзбекистон ССР республика давлат комитетларидир:

Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети, 29-модда, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашли бошқа органлар:

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги хўжалик ва социал-маданий қурилиш ишлари бош бешқармалари, идоралари ҳамда Ўзбекистон ССР қонунарига мувофиқ бошқа органлар Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашлидир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси П. ҲАБИБУЛЛАЕВ. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. БЕҚКУЛБЕКОВА. Тошкент шаҳри, 1988 йил 27 июль.





